«Ўзкимёсаноат» АЖ «Job Fest - 2024" кузги бўш ўринлари ярмаркасида иштирок этди

// 22 noyabr 2024 йил
https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-job-fest-2024-kuzgi-bush-urinlari-yarmarka



20-ноябрь куни Инҳа университетида «Job Fest - 2024" кузги бўш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш, республикамиз бўйлаб кадрлар сиёсатини оқилона тарғиб этиш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган ушбу ярмаркада «Ўзкимёсаноат» АЖ масъуллари ҳам фаол иштирок этишди.



Унда ёшларга ташкилот ва тармоқ корхоналаридаги мавжуд иш ўринлари, номзодларга қўйиладиган талаблар, меҳнат шароити тўғрисида маълумотлар берилди.



Бу каби тадбирлар битирувчи ёшлар бандлигини таъминлаш билан бир қаторда кимё саноати

соҳасига иқтидорли ва билимли ёшларни жалб қилиш ҳамда корхоналарнинг кадрлар захирасини шакллантиришга хизмат қилади.



«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати